

МУХТАРОВ Бекзодбек

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Малака ошириш маркази катта ўқитувчиси
тарих фанлари бўйича PhD

НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДИНИЙ- ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

THE IMPORTANCE OF NOSIRUDDIN SAMARKANDI'S SCIENTIFIC HERITAGE IN SOLVING MODERN RELIGIOUS AND SOCIAL PROBLEMS

ЗНАЧЕНИЕ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ НАСИРУДДИНА САМАРКАНДИ В РЕШЕНИИ СОВРЕМЕННЫХ РЕЛИГИОЗНО- СОЦИАЛЬНЫХ ПРОБЛЕМ

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги глобаллашув жараёнида пайдо бўлган оммавий маданият ва унинг салбий кўринишлари, ёшлар ўртасида тарқалаётган нотўғри дунёқарашлар, миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлган кийиниш, муомала ва турмуш маданиятлари ҳамда уларни олдини олишда Носируддин Самарқандий илмий меросининг муомалот масалаларига бағишланган қисмидаги ечимлардан фойдаланиш мумкинлиги қиёсий тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: Самарқандий, илмий мерос, диний-ижтимоий масалалар, оммавий маданият, муомала, кийиниш маданияти, миллий ва диний қадриятлар.

Abstract: This article compares the possibilities of popular culture and its negative aspects in today's globalization, misconceptions among young people, the culture of dress, behavior, and lifestyle, which contradicts our national and religious values, and the solutions of Nosiruddin Samarkand's scientific heritage.

Keywords: Samarkand, scientific heritage, religious and social issues, popular culture, treatment, dress code, national and religious values.

Аннотация. В данной статье проведено сравнительное исследование массовой культуры и ее негативных проявлений, возникающих в процессе глобализации, распространяющихся среди молодежи неправильных мировоззрений, культуры одежды, поведения и быта, противоречащих нашим национальным и религиозным ценностям, а также возможность использования в их предотвращении решений в части, посвященной вопросам обращения, научного наследия Насируddина Самарканди.

Ключевые слова: Самарканд, научное наследие, религиозная и социальная проблематика, массовая культура, обращение, дресс-код, национальные и религиозные ценности.

КИРИШ

Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўзига хос анъана, урф-одат ва миллий қадриятлари бор. Муайян заминда куртак очиб, неча юз йиллар давомида шаклланган ва сайқал топган маънавий мезонлар шу миллатнинг, халқнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Ҳаётга шиддат билан кириб келаётган техника ва технологиялар, глобаллашув жараёнида бундай бойликнинг моҳиятини янада чуқур англаш долзарб аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, глобаллашув жараёнида дунё бўйлаб турли хил ғоя ва қарашларнинг кенг тарқалиши кузатилмоқда. Бу жараён, айниқса, ёшлар орасида фаол кечиб, уларнинг хатти-ҳаракатларида ўз аксини топмоқда. Хусусан, «Оммавий маданият» ва унинг турли кўринишлари бунга мисол бўлади. Маънавий ва ахлоқий тубанлик, ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм, миллий-маънавий қадриятларга беписандлик ва уларни қўпоришга қаратилган хатарли ҳолатлар, ахлоқсизликни маданият деб билиш, асл маънавий қадриятларни менсимаслик, ёшларда миллий-маънавий қадриятларга беписандлик билан қараш ҳиссиётини уйғотиш

каби маънавий таҳдидларнинг кўринишлари ёшларга ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан, бу нарса виртуал (компьютер) ўйинлар, айрим чет эл ва хусусий студияларда олинган фильмлар, савиясиз қўшиқлар, интернет ва ундаги ижтимоий тармоқлар, уяли алоқа телефонлари, сариқ матбуот, урбанизация жараёни, ёлғон ахборот, маълумотлар тарқатувчи радио ва телевидение орқали намоён бўлмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

«Оммавий маданият»нинг мазкур кўринишлари ичида ахлоқий бузуқлик муаммоси биринчи ўринга қўйилгани бежиз эмас. Ушбу тушунчаларнинг таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Ахлоқий бузуқлик – энг тубан иллат бўлиб, аста-секин «эркин муҳаббат»дан «бир жинсли инсонлар ўртасидаги никоҳни тузиш»гача бўлган босқичга кўтарилади. У ёшларни маънавий бузиб, минг йиллардан буён ардоқлаб келинаётган муҳаббат ўрнига зинокорликни тақдим қилди. Масалан, «Бугунги кунда АҚШдаги 30 фоиз аёл никоҳга киргунга қадар камида икки марта бола олдиради, шунингдек, қизлар ҳам айни шу руҳда тарбия топмоқда. Аксарият сайловчилар бу каби турмуш тарзига халақит берувчи ҳар қандай сиёсатга қарши овоз беришади» [2:16]. Умуман, ахлоқий бузуқлик, даставвал, оилага дахл қилади, кейин эса у насл поклигига зарар етказади. Ваҳоланки, Шарқда оила муқаддаслиги, насл поклиги масаласи муҳим қадрият ҳисобланади. Ҳар турдаги ахлоқсизлик ҳақида ҳадисда шундай дейилади: «Мўмин инсонда икки хислат жамулжам бўлмас: бири – бахиллик, иккинчиси – бадхулқлик» [1:16].

Зўравонлик мазмунини инсоннинг инсон устидан ўз ҳукмронлигини ўтказиш ташкил қилади. Зўравонлик шахс ҳуқуқини поймол қилиб, унинг онгида ҳайвонийлик хис-туйғулари ва хусусиятларини таркиб топтиради [8:20]. У бугунги кунда фильмлар, компьютер ўйинлари ва интернетдаги турли қўлланмалар воситасида тарғиб қилинмоқда.

Индивидуализм эса, инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалилиги, шахс ҳуқуқларининг

мутлақлиги ва автономиясини ифодаловчи ахлоқий тамойилдир [3:89]. Бу ғояга кўра, шахс ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўяди. Шахс индивидуалчи бўлиши керак. Лекин шахс индивидуаллигининг ҳам меъёри мавжуд. Индивидуализм жамоавийликка зид кўриниш бўлиб, у шахсни жамиятдан айро яшашга, қўшничилик, қариндош-уруғ, умуман, жамоавийликка қарши руҳда вояга етказади.

Эгоцентризм – инсон «мен»ини устувор қўйишдан иборат. Бунинг энг ташвишли жиҳати шундаки, ундай одам ўзини доимо ҳақ деб билади, ўзгаларга нисбатан беписанд қараш, ўз хатти-ҳаракатларини мутлақо тўғри деб билиш – эгоцентризмнинг энг асосий белгисидир.

Оммавий маданиятнинг асосий кўринишларидан яна бири – бу киши ташқи қиёфасини инсонларга хос бўлмаган шаклларга солиш, ўз тана аъзоларини ўзгартириш, кийиниш маданиятини буткул инкор этишда ўзини намоён этмоқда.

Носируддин Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофъ» асари бундан қарийб 9 аср олдин ёзилган бўлса-да, китобда баён этилган ижтимоий масалалар ҳануз аҳамиятини йўқотмаган. Хусусан, асарнинг 23-бўлими «Истеҳсон» – «Маъқулланган ишлар» деб номланиб, унда айни бугунги кунда ижтимоий ҳаётда юзага келаётган масалалар ва уларнинг ечими кўзга ташланади. Айниқса, ушбу бўлимда кийиниш маданияти, эркак ва аёлларга хос бўлган кийимлар ҳамда тақинчоқлар масаласи батафсил баён этилган. Жумладан, мазкур бўлимда эркаклар учун ипак матодан бўлган либослар кийиш ҳалол эмаслиги, аксинча, ипак матодан тикилган либослар кийиш аёллар учун мумкин бўлиб, уларга зийнат бўлиши таъкидланган [4:887]. Бунга эса, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг: «Ипак матодан либос кийиш ва тилла (тақинчоқлар тақиш) умматимнинг эркакларига ҳаром, аёлларига эса ҳалолдир», – деган ҳадиси далил қилиб келтирилган.

Ундан сўнг мазҳаббошиларнинг ипак ёстикдан фойдаланиш борасидаги қарашларини баён этади. Абу Ҳанифа ипак ёстикдан фойдаланишга рухсат берган бўлса, унинг шогирдлари Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад ипак ёстикдан фойдаланиш эркак киши учун макруҳ, деб ҳисоблашган [4:888]. Абу Ҳанифанинг

эркак киши ипак ёстикдан фойдаланишига рухсат берганига иккита сабаб келтирилиб, биринчиси – ёстикда кийимлик белгиси йўқлиги, иккинчиси – «Аъроф» сурасининг: «Айтинг: «Бандалари учун чиқарган Аллоҳнинг зийнати ва пок ризқларни ким ҳаромга чиқарди?» 32-оятини далил қилинган.

Шунингдек, кейинги масалада ипак толасидан тўқилган қаттиқ кийим – кимхоб (уруш вақтида инсон кўкраги ва олд танасини ўқлардан ҳимоя қилиши учун совутнинг ичидан кийилган қалин кийим) ҳақида Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад уруш вақтида эркак кишилар совутининг ичидан кийса бўлади, деб рухсат берган. Абу Ҳанифа эса, макруҳ санагани, айтилган [4:888].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, эркак кишига кийим кийишда ипак матодан тикилган кийимлардан сақланиш тавсия қилинган. Чунки у жуда ҳам майин бўлиб, эркакларга хос сифатлардан эркакларни чиқариб, уларнинг феъл-атворида салбий таъсир этиши назарда тутилган. Ипакдан тайёрланган либослар аёлларнинг нозик хилқатига мос бўлиб, уларга зийнат ва кўрк бағишлаши таъкидланган.

Ҳозирги кунда афсуски, «оммавий маданият»га эргашган ёшлар орасида кийим танлашда миллий анъаналарга безътиборлик қилиб, ғарб услубидаги кийимларга ружуъ қўйиш кучайиб бормоқда. Бу эса жамият аъзолари орасида ноўрин кийиниш маданияти билан бирга, ғарбона урф-одатларнинг тарқалишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам, ёш авлодни миллий ва диний қадриятлар руҳида тарбиялаш жамият олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади.

«Оммавий маданият»нинг яна бир кўриниши – турли хил шакл ва кўринишдаги тақинчоқлар тақишдир. Уларни эркаклар орасида тарқалиши эса, миллий ва диний қадриятларга зид ҳисобланади.

«Ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарида Самарқандий бу ҳақида алоҳида тўхталиб, эркак кишиларга тилла ва кумушдан ясалган тақинчоқларни тақиш ман этилиши, аёлларга эса рухсат берилганини айтиб ўтган [4:889]. Шунингдек, эркак кишиларга фақат кумуш узук, камар

(белбоғ) ва қиличнинг дастаси кумушдан бўлишига рухсат берилган.

Бугунги кунда никоҳ маросимида учрайдиган тиллодан бўлган никоҳ узукларини тақиш ҳам ғарбдан кириб келган маданиятлардан биридир. Миллий ва диний қадриятларда эркакларга тиллодан узук тақишга рухсат берилмайди. Никоҳ маросимларида ҳам бундай одат бўлмаган. Лекин аёлларга тилло ва кумуш тақинчоқларни маҳр сифатида бериш одати асрлар мобайнида шаклланган ҳамда уламолар бунга рухсат берган.

«Ал-Фикҳ ан-нофеъ»нинг давомида Самарқандий ўғил болаларга ҳатто чақалоқ бўлса ҳам, ипак либос кийдириш ва тиллодан бўлган тақинчоқлар тақишни макруҳ, деган [4:890]. Бу билан олим фарзандларни ёшлик пайтидан бошлаб тўғри тарбия қилиш лозимлигини, ёшлигидан чиройли тарбия топган бола, катта бўлганида ҳам адашмаслигини назарда тутган.

Аммо ҳозирги вақтда ёшу катталар орасида кундалик турмуш тарзи ва маросимларда зебу зийнатга берилиш, дабдабазлик, ҳашамкорлик каби иллатлар кучайиб бормоқда. Бу эса, уларнинг миллий қадриятлардан узоклашиб, бошқа маданиятларга кўр-кўрона тақлид қилиши натижасидир.

Бу ҳолат эса, уй-рўзғор буюмлари, меҳмон учун ишлатиладиган рўзғор анжомлари, тўй-ҳашамда фойдаланиладиган идиш-товоқларда ҳам ўз аксини топган. Диний қадриятларга кўра, бундай қилиш исрофдир. Исрофдан эса, қайтарилган. Носируддин Самарқандий ҳам китобида бу ҳақида келтириб, «эркак ва аёл кишиларга ейдиган, ичадиган, хушбўйланадиган ҳамда кундалик ишларда фойдаланадиган идишлари кумуш ва тиллодан ясалган бўлиши жоиз эмас», – дейди. Бунга Имом Бухорий ва Имом Муслим томонидан ривоят қилинган Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Ким кумуш ёки тилло идишдан ичса, қорнига дўзах оловидан ебди», – деган сўзини далил сифатида келтирган. Шунингдек, мавзу давомида Самарқандий уй-рўзғор буюмларида шишадан ясалган идишлар, биллур, ялтироқ тошлардан ясалган идишлардан фойдаланиш жоиз эканини таъкидлаган [4:890].

Шу билан бирга, эгар ва шу каби доимий ишлатиладиган буюмларга кумуш ранг

берилган бўлса, ундан фойдаланиш мумкин. Лекин олим Куръон мусҳафига олтин ва кумуш сув юргизишни, мусҳаф устини тилло ёки кумуш қоплама қоплашни макруҳ, деб таъкидлаган. Бунга Абдуллоҳ ибн Масъуднинг «Куръонни (ҳар хил тилло ва кумуш безак ва ғилофлардан) тозаланг. Уни (ўзингиз) киядиган либослар билан кийинтирманг», – сўзини далил сифатида келтирган.

Демак, Самарқандий нафақат инсонлар фойдаланадиган уй-рўзгор буюмлари, балки Куръони каримни ҳам тиллодан бўлишидан қайтаради. Чунки буларнинг барчаси: биринчидан, исроф ҳисобланса, иккинчидан, инсонлар бу каби нарсалар билан бошқалар олдида фахрланиб, кибрга йўл очиши мумкин. Кибр эса, инсонларни ёмонликка етаклайди.

Мавзу давомида масжидларни безаш ва деворларига турли нақшлар чизишда олтин сувидан фойдаланиш жоизлиги, бу масжидларни улуғлаш учун бўлишини, аммо бу ишни тарк этиш афзал бўлиши таъкидланган [4:891].

Бугунги кунда ҳам масжидларни ким ўзарга баланд қилиб қуриш ва уларни ортикча безаш ишлари авж олмоқда. Лекин ундаги амаллар ва унинг ичида ибодат қилувчи инсонлар тарбияси борасида фикр юритиш ундан-да муҳим саналади. Шу сабабли ҳам масжидларнинг покиза, озода, ёруғ, бефойда ҳашам ва нашқлардан холи бўлгани афзал.

Шунингдек, таълим муассасалари ёки соғлиқни сақлаш биноларини обод қилиш, уларда инсонлар учун тегишли шароитлар яратиш ҳам савобли амаллардан саналади. Бу борада эса, мамлакатда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари айтилиши муҳим вазифаларнинг ҳал этилаётганига мисол бўлади.

Носируддин Самарқандий «Истеҳсон» бўлимида яна бир муҳим масала – ҳайвонлар меҳнатидан фойдаланиш масаласини ҳам зикр этади. Унда қишлоқ хўжалиги ва бошқа юмушларни бажаришда фойдаланиладиган ҳайвонларнинг туғмаслиги учун бичиб қўйишнинг зарари йўқ. Аммо улардан хизмат ишларида фойдаланиш макруҳ, дейилган [4:892].

Ҳозирги тиббиёт илми ривожланган замонда олимлар томонидан ҳайвон наслини

яхшилаш учун сунъий урчитиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўп замонавий фермалардаги чорва моллари сунъий урчитиш йўли билан кўпайтирилмоқда. Бунга ислом уламолари рухсат беришган. Фақат бу жараённинг бир жинсга мансуб ҳайвонларда кечиши шарт қилинган. Шунингдек, бир жинсга мансуб ҳайвонни бошқа бир жинсга мансуб ҳайвон билан табиий ёки сунъий урчитиш мумкин эмаслиги айтиб ўтилган.

«Ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарида кўтарилган ижтимоий-иқтисодий масалалардан бири «Иҳтикор» – «Монополия» масаласидир. Одамлар учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик нарсаларни улгуржи сотиб олиб, хоҳлаган нархда сотиш ёки сақлаб туриб, нархни сунъий ошириш каби амаллар макруҳ, дейилган. Бунга имом Ҳоким томонидан ривоят қилинган Набий (с.а.в.)нинг: «Иҳтикор қилувчи лаънатланган», – деган сўзи далил сифатида келтирилади.

Самарқандий: «Агар бу ишни султон (давлат раҳбари) инсонларга енгиллик мақсадида қилса, жоиз», – дейди [4:899]. Демак, давлат ёки давлат раҳбари томонидан инсонларнинг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини назорат қилиш, уларнинг нархини сунъий ошиб кетмаслик чораларини кўришга, кўпчилик инсонларга манфаат етказиш нуктаи назаридан, ижозат берилган.

Асардаги маъқулланган савдо амалларидан бири бу мева шарбатларини сотиш масаласидир. Олим мева шарбатларини сотиш мумкин деб, бу иш маст қилувчи ичимликлар ўрнини босиши, инсонларни бу каби ичимликлар истеъмолидан қайтариб, улар чанқоғини қондиришини зикр этган [4:901].

Шунингдек, ҳозирда мевали дарахтлар савдоси кенг ривожланиб, уларнинг савдоси халқаро миқёсда амалга оширилмоқда. Бу ҳолатда савдогарлар боғбонларга олдиндан буюртма бериб, етилиб пишадиган ҳосилнинг маълум қисмини олдиндан сотиб олиш масаласи юзага келмоқда. Ушбу масала «ал-Фикҳ ан-нофеъ»нинг «Мусокот», яъни дарахтни парвариш қилувчига ўша дарахт мевасининг бир қисмини бериш эвазига шерикликда иш

бошлашга доир амалиёт алоҳида бўлимда келтириб ўтилган [4:1303-1034]. Абу Ҳанифа айтади: «Мусоқот – бу дарахтларнинг мевасидан маълум қисмини ҳақ эвазига ижарага бериш бўлиб, бу иш ботилдир». Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад эса, агар унинг муддати, ҳосил микдори аниқ белгиланган бўлса, бу ишни жоиз деган. Бу ҳудди мевани ижарага олишга қиёс қилинган. Мусоқотда дарахт, ҳўл мева ва сабзавотлардан фойдаланиш жоизлиги, агар ҳосил келишилган микдордан кўпроқ бўлса, унда ҳақни зиёда қилиш мумкинлиги айтилган.

«Ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг «Ов ва сўйишлар ҳақидаги бўлим»ида ижтимоий-маиший масалалардан бири инсонлар истеъмол қиладиган ҳайвонларни сўйиш шартлари ва ҳолатлари баён этилган [4:960]. Жумладан, Самарқандий сўйишда «тасмия»ни қасддан тарк этса, сўйган нарсасини ейиш жоиз эмас, дейди. Бу масалада олим «Анъом» сурасидаги: «Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган нарсаларни еманглар», дейилган 121-оятини далил сифатида келтиради. Имом Шофейй эса, ейиш жоиз, дейди. Бунга Шофейй «Моида» сураси 3-оятини далил қилади. Шу билан бирга, Самарқандий агар сўювчи сўйишда тасмияни айтишни эсдан чиқариб қўйса, уламолар иттифоқига кўра, ейиш мумкин, дейди. Бу масала ҳақида Абдуллоҳ ибн Масъуддан сўралганда, унинг: «Аллоҳ исми ҳар бир мусулмон кишининг қалбида бўлади», – деб айтган сўзи далил қилинган. Демак, сўйилган жонлиқнинг гўшти ҳалол бўлиши учун у, албатта, Аллоҳни улуғлаб, Унинг исмини айтиб сўйилган бўлиши лозим. Сўйишда «бисмиллаҳ»ни айтиш тўғри бўлиши учун эса, унда қуйидаги тўртта шарт топилиши керак:

«Бисмиллаҳ»ни сўювчининг ўзи айтиши;

Сўйиш нияти билан «бисмиллаҳ»ни айтиши;

«Бисмиллаҳ»ни ёки унинг маъносидаги Аллоҳни улуғлашга далолат қиладиган сўзларни айтиши, булардан бошқа маънодаги сўзларни айтиб сўйишдан сақланиши;

«Бисмиллаҳ»ни сўйилаётган жонлиққа тайин қилиши керак.

Мазкур бўлимда истеъмол қилиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган ҳайвонлар ҳам зикр

этилган. Зобб ва сиртлон гўштини истеъмол қилиш макруҳ, дейилади. Чунки сиртлон йирткич ҳайвон саналади. Имом Шофейй зобб гўштини истеъмол қилишни макруҳ эмас, деган. Бунга Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дастурхонида зобб ейилганини далил қилади. Шунингдек, Самарқандий мавзуга қўшимча равишда ҳашоратларни истеъмол қилишни ҳам макруҳ санаб, «Аъроф» сураси 157-оятини келтиради [4:965].

От гўштини истеъмол қилиш борасида Абу Ҳанифа макруҳ, дегани, шогирдлари Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад макруҳ эмас, деб айтгани келтирилади. Самарқандий бу ўринда «от гўштини истеъмол қилиш макруҳ эмас», деган фикрга қўшилади.

Бундан ташқари, қуён гўштини ейишда ҳеч қандай монелик йўқлиги, аммо инсон ва тўнғиз (чўчка)нинг гўштини истеъмол қилиш мумкин эмаслиги, сувда яшовчи ҳайвонлардан фақат балиқ ва шу турга мансуб ҳайвонларни истеъмол қилиш мумкин бўлиши айтилади. Бу ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Бизга иккита ўлимтик ва иккита қон ҳалол қилинди. Икки ўлимтик балиқ ва чигиртка, икки қон жигар ва қораталоқдир», – деган ҳадиси далил қилинган. Ҳозирги кунда мавжуд замонавий овқатланиш жойларида турли хил денгиз маҳсулотларидан таомлар ва уларнинг савдоси кенгайиб бормоқда. Бу эса, инсонларда бу масалада саволлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Юқорида баён этилган масалалар ушбу саволларга жавоб беришда ва тушунмовчиликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда баъзи адашган тоифалар томонидан қабрларни зиёрат қилиш ва қабр аҳлига Қуръон тиловат қилишдан қайтариш ҳолатлари учрамоқда. Улар бундай амалларни бидъат санаб, марҳумга зиёрат ва тиловат савоби етмаслигини таъкидлайдилар. Ушбу масалада Носируддин Самарқандий ўзининг «ал-Мултақат» асарида тўхталиб ўтган. Унда олим: «Қабрларни зиёрат қилиш жоиз. Ҳар ҳафта бир маротаба қабрлар уларга дуои хайрни мақсад қилган ҳолда зиёрат қилинади. Қабристонга кирганда қабр аҳлига салом берилади. Уларнинг ҳаққига Аллоҳдан яхшилик, мағфират ва раҳмат сўраб дуо қилинади», – деб

келтирган [5:52,62]. Аҳли суннанинг уламолари бир овоздан қабрларни зиёрат қилишга рухсат берган. Хусусан, жума куни ёки ундан бир кун олдин, ё бир кун кейин қабрларни зиёрат қилиш борасидаги хабарлар зикр этилган. Шунингдек, қабрда ухлаш ва у ерда намоз ўқиш макруҳ саналиб, қабрга ўтириш, унинг устига чиқишдан қайтарилган. Қабр зиёратида унинг атрофидан юриш лозимлиги айtilган.

ХУЛОСА

Қабрга Қуръон тиловат қилиш масаласида ҳанафий уламолар макруҳ амал эмаслигини таъкидлаганлар [5:448]. Шу билан бирга, қабр зиёратида «Оятул курсий», «Ихлос» ва «Фотиҳа» сураларини тиловат қилиш борасида ҳадислар ривоят қилинган. Бу эса, қабр аҳлига савоб етишига ва уларга манфаат беришига далил қилинган. Мазкур масалалар бугунги кунда «Сохта салафийлар» томонидан ўтган аждодлар ҳамда солиҳ инсонларнинг қабрларини зиёрат қилишдан қайтаришларига раддия бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, инсонлар зиёрат одобларини билиш ва қонун-қоидаларига қатъий амал қилиши кераклигини белгилаб беради. Бу эса ёш авлоднинг маънавий тарбиясида муҳим аҳамият қабс этади.

Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» ва бошқа фикҳий асарларида келтирилган ижтимоий масалалар нафақат ўз даври учун, балки ҳозирги вақтда ҳам мавжуд бўлган айрим масалаларга ечим топишда ҳамда ихтилоф ва бидъатларнинг олдини олишда алоҳида эътиборга молик манба ҳисобланган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳадислар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1992.
2. Бьюкенен П. Смерть Запада. – М.: Гардарики. 2004. – 444 с..
3. Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2004. – 457 б.
4. Носируддин Самарқандий. Ал-Фикҳ ан-нофеъ. – Ар-Риёз: Мактаба ал-абикон, 2000. – Ж. 1-3. – 425. 440. 600 б.
5. Носируддин Самарқандий. Ал-Мултақат фи-л-фатово ал-ҳанафия. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. – 448 б.
6. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. / Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Т.: Мухаррир, 2009. – 96 б.
7. Одилхонова Ш. Оммавий маданият таҳдиди. – Т.: Мухаррир, 2010. – 46 б.
8. Шагинская Е.Н. Массовая культура XX века: очерк теорий. // Полигнозис. – М.: (2) 2000. – 80 с.
9. Шамсуддин Сарахсий. Китоб ал-мабсут. – Байрут, Ливан: Дор ал-маърифат, 1989. – Ж. 1. – 256 б.
10. Шайх Низом ва ҳинд уламолари жамоаси. Ал-Фатово ал-ҳиндия. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. – Ж 1. – 609 б.